# Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

adolat_sdp@doda.uz ● www. adolat.uz ● № 29 (834) ● 2011 йил, 8 июль, жума

## Жамоатчилик назорати —

### ижтимоий адолатнинг бош мезони

**Жараён**

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишларда, айниқса, жамоатчилик назоратининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлаётир. Демократиянинг энг муҳим талабларидан бири — жамоатчилик назорати фуқаролар, оммавий ахборот воситалари, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари қаторида сиёсий партиялар томонидан ҳам самарали амалга оширилмоқда. Бунда парламент ваколатлари кенгайтирилгани, сиёсий партиялар фаоллашгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда асосий эътибор давлат ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, мансабдор шахслар томонидан Конституция ва қонунлар талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилмоқда. Қувонарлиси шундаки, бу саъй-ҳаракатлар пировардида мансабдор шахслар масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириб, улар фаолияти самарадорлигининг ошишига хизмат қилмоқда. Энг муҳими, айни чоғда жамоатчилик назорати бошқарув ва аҳоли ўртасида ўзаро муносабатларни яқинлаштириб, умумдавлат равнақига хизмат қилмоқда.

Буни биргина Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Партия фаоллари мустақиллик йилларида яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланган ҳолда жамоатчилик назоратига оид қоида ва нормаларни ҳаётга изчил татбиқ этишга, қолаверса, партия сайловолди дастуридан келиб чиқиб, мақсад ва вазифаларни самарали амалга оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Давоми 2-бетда »



*Ўзбекистон Шотокан Каратэ-до:*

## Юрт шаънини улуғлаш

### спортга ошно авлоднинг бош мақсадидир

**Ифтихор**

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**
«Adolat» мухбири.




**УШАЛАЁТГАН ОРЗУ**

***«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!».*** Муҳтарам Юртбошимиз томонидан мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакат фарзандларининг порлоқ келажаги орзусида айтилган ушбу сўзлар эндигина мустақил давлат қуриб, атак-чечак қадам ташлаётган, эртанги куни хусусида ҳали аниқ тасаввурга эга бўлмаган ўзбекистонликлар қалбида мустаҳкам ишонч, умид туйғуларини алангалатиб юборганди, десак муболаға бўлмас. Ахир, дунёда болам деб яшайдиган ўзбек халқининг эзгу мақсадларига йўғрилган ушбу ҳикматли сўзлар бир мақсад йўлида бирлашишимизга, Ўзбекистонимиз келажагини фарзандларимизнинг маънавий, жисмоний кучқудрати, илму салоҳияти орқали бунёд этишга ундагани ила қадрлидир.

Давоми 4-бетда »

### Ташкилий жиҳатдан уюшган партия

**сиёсий майдонда мустаҳкам ўрин эгаллайди**

*...жамиятда фуқароларни ўз ортидан эргаштирувчи барқарор куч сифатида қарор топиш ҳар қандай сиёсий партиядан, жумладан, "Адолат" СДПдан ҳам катта масъулият талаб этади. Айтиш жоиз, ана шу мақсадларга эришишда партия ислоҳотлар мазмун-моҳиятини, атрофимизда содир бўлаётган воқеалар, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларидаги ўзгаришларни кенг халқ оммасига етказиш, бу борада тушунтириш ишлари олиб боришда ҳам фаоллик кўрсатиши лозим.*

2-бет

### Фаровон турмуш кафолати

*Жорий йилнинг бошида вилоят партия Кенгашининг амалий ёрдами билан Ўртачирчиқ туманидаги "Кучлик" маҳалласида Ўзбекистон "Адолат" СДП дастури доирасида чиқиндидан биогаз ва биоўғит олиш қурилмаси ишга туширилди. Суткасига 200-300 килограмм чиқиндини қайта ишлаш қувватига эга мазкур қурилманинг ишга туширилиши бир неча янги иш ўринларини очди. Ундан олинаётган биоўғит зўр даромад манбаига айланмоқда. Айни вақтда иш кўламини кенгайтириш устида иш олиб борилмоқда.*

3-бет

### Фикр — нур калити

*Абу Ҳомид Ғаззолийнинг тафаккур фазилатига доир қуйидаги фикрига эътибор беринг: "Суннатда бир соат фикр қилиш бир йиллик нафл ибодатидан яхшидир", деган маъно ворид бўлган. Аллоҳнинг китобида ҳам тадаббур ва эътибор, мулоҳаза ва тафаккур хусусида кўп тарғиблар бор. Фикрнинг нур калити ва фаҳмлаш ибтидоси экани сир эмас. У илмларни овлайдиган тўрдир...".*

4-бет



## Қарор ижроси депутатлар муҳокамасида

**Депутатлик гуруҳларида**

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Қашқадарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Бирор шаҳар ёки мамлакатнинг халқи қандай яшаётганлигини билмоқчи бўлсанг, унинг бозорига бор, дейишган. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда янги бозорлар барпо этиш, борларини кенгайтириб, қайта таъмирлаш, обод қилишга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2010 йилнинг 26 апрелдаги «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Буни биргина Қашқадарё вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, вилоятнинг кўпгина деҳқон бозорларида шу кеча-кундузда қарорга асосан улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Давоми 2-бетда »

## ОАВ эркинлиги ва мустақиллиги — жамият ютуғи

**Депутат минбари**

**Ойша АХУНОВА,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.



Мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлмиш Оммавий ахборот воситалари — матбуот, радио ва телевидениенинг фаолиятини янада оммалаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" номли маърузасида *«Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти — бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш, аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир»*, дея таъкидлагандилар.

Президентимиз 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаларида эса, мамлакатимизда мустақиллик йилларида босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар, улуғвор ўзгаришлар ҳамда эришилган ютуқлардан келиб чиққан ҳолда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида олтита йўналишдан иборат Концепцияни, яъни янги босқичга оид янги вазифаларни белгилаб бердилар. Улардан бири — оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ислоҳотлар ҳақида бўлиб, уни янада чуқурлаштириш ва ушбу тизимнинг янада ошкора ишлаши ҳамда эркинлигини таъминлашга қаратилган қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурдилар.

Дарвоқе, қўйилган вазифалар ижроси қонун ижодкорлиги ва оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асосларини яратиш билан узвий боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ушбу Концепцияга таянган ҳолда яқин беш йилга мўлжалланган қонунчилик фаолияти дастурига оммавий ахборот воситаларига оид бир қатор қонун лойиҳаларини тайёрлашни киритди.

Давоми 3-бетда »

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишда сиёсий партиялар фаолияти, уларнинг юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлидаги интилишлари, ана шу умуммиллий ғоя атрофида фуқароларимизнинг якдиллигини таъминлашга қаратилган ҳаракатлари ниҳоятда муҳимдир. Айниқса, мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишда сиёсий партиялар зиммасига ҳар қачонгидан кўра ўта масъулиятли вазифалар юкланаётир.

## ХДП "карвон"и қаёққа йўл олди?

### Сўл партия вакиллари сиёсий майдонда соғлом рақобатнинг ўзига хос маданиятини, сиёсий этика принципларини оёқости қилмоқдалар

**Муносабат**

**Абдулла АБДУЛБОҚИЕВ.**

Шу ўринда Юртбошимизнинг "... партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, сиёсий етукликка интилиши ва, энг муҳими, молиявий мустақилликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак" деган сўзлари яна бир карра ёдга тушади.

Дунё амалиётидан маълумки, ҳар қандай сиёсий партия ҳокимиятни конституцион йўл билан қўлга киритишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Парламент қуйи палатаси депутатлигига сайловларда иштирок этишдан мақсад эса қонун чиқарувчи органда иложи борича кўпроқ ўрин эгаллаш, ҳукуматни шакллантиришда иштирок этиш ва шу орқали ўз олдига қўйган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, сайловчиларнинг, аҳолининг ишончини оқлашдан иборатлигини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак.

Давоми 3-бетда »

# Жамоатчилик назорати — ижтимоий адолатнинг бош мезони

« Давоми. Боши 1-бетда

Чунончи, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари иштирокида воҳада амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирлари натижасида бу борада жамоатчиликнинг фаол иштироки сезиларли даражада ўсмоқда. Айниқса, Давлатимиз раҳбарининг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш тўғрисидаги таклифининг мазмун-моҳияти тарғиботи аҳолининг катта қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон "Адолат" СДП ўз дастурида белгилаб қўйганидек, ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ғоясини илгари суриб келмоқда. Ушбу дастурий вазифани амалга оширишда айнан жамоатчилик назоратининг ўрни ва роли катта бўлмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгашининг фуқаролар қабулхоналарига аҳолидан юзга яқин турли мазмундаги мурожаатлар келиб тушди. Оғзаки ва ёзма шаклдаги аҳоли мурожаатларининг айримлари жойида ўз ижобий ечимини топган бўлса, баъзилари эса тегишли идора ва ташкилотлар кўмагида ҳал қилиб келинмоқда.

Хусусан, Чимбой туманидаги "Кенгис" овулида истиқомат қилувчи 1-гуруҳ ногирони фуқаро Салима Амирадиновага ногиронлик нафақа пули пластик карточка орқали тўланиб келинган. У эса нақд пулга эҳтиёжи баландлигини бир неча бор айтишига қарамасдан, мутасаддилар томонидан эътибордан четта қолиб келган. Туман партия Кенгашининг аралашуви билан С.Амирадиновага нафақа пули нақд берилиши таъминланди.

Жамоатчилик назоратининг самарали фаолиятида маҳаллий Кенгаш депутатларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Масалан, Хўжайли тумани партия Кенгашининг фуқаролар қабулхонасига шу туманда истиқомат қилувчи Махсидбой Абдушарипов томонидан ногиронлик гуруҳини тайинлашдаги айрим муаммолар келиб чиқаётганлиги хусусида мурожаатнома келиб тушди. Туман кенгаши депутати Лола Қутлимуродованинг саъй-ҳаракати билан М.Абдушариповга 2-гуруҳ ногиронлиги тайинланди.

Қораўзак тумани партия кенгашининг фуқаролар қабулхонасига бир гуруҳ фуқаролардан ишсизлик муаммоси хусусида ариза келиб тушди. Туман кенгаши депутати Қўнғиродбой Утемисов мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда улардан беш нафарини ободонлаштириш бошқармасига ва бир нафарини туман электр тармоқлари бўлимига ишга жойлаштирди.

— Серёмғир баҳор кунларида уйим таъмирга янада кўпроқ муҳтож бўлиб қолди, — дейди Манғит шаҳар Маданият кўчаси, 9-уйда яшовчи ёлғиз кекса Турсунбой Матназаров. — Қўни-қўшнилар маслаҳати билан "Адолат"нинг Манғит шаҳридаги вакилларига хат ёздим. Амударё тумани кенгаши депутати Улуғбек Ўтамуродов кўмагида уйим тўлиқ таъмирдан чиқди. Бу савоб ишнинг бошида турганлардан беҳад миннатдорман.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда, табиийки, Президентимиз томонидан илгари сурилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ишларни янада жонлантиришда эса Концепцияда белгиланган қонунларни қабул қилишнинг аҳамияти беқиёсдир.

Жараён

Азиз АБДУРАШИДОВ.

# Ташкилий жиҳатдан уюшган партия

## сиёсий майдонда мустаҳкам ўрин эгаллайди

Ўзбекистоннинг янги тарихига асос солган мураккаб ва айни пайтда бунёдкорлик йилларига айланган давр мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўлини белгилаб бериш билан бирга, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг ривожланиши учун шароит яратди. Шунинг учун ҳам мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишда сиёсий партиялар зиммасидаги масъулият ва партияларaро рақобат ҳар қачонгидан кўра ортиб бораётир. Шу нуқтаи назардан, "Адолат" СДП ўзининг таянч нуқталари ҳисобланган ҳудудий ташкилотларидан тортиб то парламентдаги фракция фаолиятигача бўлган тизимни янада мустаҳкамлашга, етакчиларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларга устувор аҳамият қаратмоқда. Наманган вилоятининг Поп туманида бўлиб ўтган "Демократик ривожланишнинг янги босқичида Ўзбекистон "Адолат" СДПни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш" мавзусидаги семинарда ҳам айни шу мавзуда сўз юритилди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари, партиянинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ва туман, шаҳар Кенгашлари вакиллари иштирокидаги мазкур анжуманда истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқлар эътироф этилди. Шу билан бирга, сиёсий майдонда янгича ишлашга тайёргарлик кўриш, шу аснода навбатдаги сайловларга тайёргарлик кўриш, ҳудудий партия ташкилотлари ишини жонлантиришда фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш, кучли ва айни пайтда заиф нуқталарни аниқлаш, партиянинг кадрлар захирасини ҳар томонлама етук фаоллар ҳисобига кенгайтириш ва бу масалаларни ҳал этишда нималарга эътибор қаратиш муҳимлиги ҳақидаги қатор масалалар муҳокама қилинди. Анжуман давомида юқоридагилардан келиб чиқиб, водий вилоятларида бу борада амалга оширилаётган ишлар танқидий руҳда кўриб чиқилди.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда Ўзбекистон "Адолат" СДП ўзининг жойлардаги ҳудудий кенгашларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид долзарб вазифаларга бағишлаб ўтказаётган турли тадбир, учрашув ва семинарларида билдирилаётган фикр-мулоҳазалар, илгари сурилаётган таклифлар, энг асосийси — ўз-ўзини танқид руҳидаги чиқишлар келгусида ўзининг ижобий самарасини бериши табиий.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузаси партия аъзоларида катта қизиқиш уйғотиб, келгусидаги ишлар самарадорлигини оширишга ундамоқда.

— Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси барча соҳаларимизнинг янада юксалишида муҳим дастуриламал бўлмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Ф.Омонова. — Шу ўринда айтиш кераккки, мамлакат ижтимоий-сиёсий тизимида амалга оширилган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятининг ошиши, партия марказий ва ҳудудий органларининг иш самарадорлигини кучайтириш механизмларини такомиллаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишимизни талаб этмоқда. Эътибор беринг, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган мазкур Концепцияга мувофиқ Конституцияга киритилган ўзгартишлар асосида эндиликда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади. Шу билан бирга, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш институти ҳам жорий этилди. Сиёсий партиялардан сайланган депутатларга маҳаллий ҳокимият ижро органларини шакллантириш жараёнига фаол таъсир кўрсатиш ҳуқуқи ҳам берилган. Маҳаллий кенгашларда партия депутатлик гуруҳларига эга бўлган сиёсий партиялар жойларда ҳокимларни сайлаш ва тайинлаш, уларни вазифасидан четлаштиришда фаол иштирок этиш билан бир қаторда, маҳаллий ҳокимият фаолияти устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ҳам олиб борадилар.

Бу эса биз Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоларидан ҳам жамиятда фаол сиёсий кучга айланишни талаб этмоқда. Бунинг учун ҳамма шарт-шароитлар — ҳуқуқий негиз, сиёсий, маънавий ва моддий имкониятлар мавжуд. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиш, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда ташаббускор бўлиш, фаоллик кўрсатиш — ҳар биримиздан фидойилик ва ташаббускорликни тақозо этади.

Шунингдек, минтақавий семинарда ҳудудий партия ташкилотларида ўтказилаётган тадбирларни сифат жиҳатидан талаб даражасида деб бўлмаслиги, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг истиқболли лойиҳалар билан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича ташаббуслари етарли эмаслиги танқид остига олинди. Ҳудудий партия ташкилотлари партия моддий-техника базасини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлардаги айрим камчиликлар, бошланғич партия ташкилотларининг ўсиш суръатлари сустлиги ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган мавжуд муаммолардан эканлиги айтилди.

— Юртимизда кечаётган жадал сиёсий жараёнлар партия ходимларининг касбий маҳоратини, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлик даражасини, ислоҳотларга оид билимларини янада оширишни тақозо этмоқда, — деди "Адолат" СДП Поп тумани кенгаши раиси М. Аҳмедова.

Сўзга чиққан "Адолат" СДП Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятлари Кенгашлари раислари ҳам партия фаоллари зиммасига юклатилаётган вазифаларга тўхталар эканлар, энг аввало, айрим ҳудудлардаги қуйи бўғинлар фаолиятида ҳамон учраётган камчиликларга, кадрлар захирасини яратиш борасидаги ишларнинг ноизчиллигига, айрим туман кенгашлари фаолиятига масъул бўлган фаолларнинг ўз ишига масъулият билан ёндашмаётганлигига эътибор қаратдилар. Айниқса, сиёсий партиялар кенг фаолият юритишлари учун етарлича ташкилий-ҳуқуқий база яратилганига қарамай, ҳали ҳамон депутатлик гуруҳлари жамоатчилик назорати имкониятларидан етарлича фойдалана олмаяпти.

Шу боис жамиятда фуқароларни ўз ортидан эргаштирувчи барқарор куч сифатида қарор топиш ҳар қандай сиёсий партиядан, жумладан, "Адолат" СДПдан ҳам катта масъулият талаб этади. Айтиш жоиз, ана шу мақсадларга эришишда партия ислоҳотлар мазмун-моҳиятини, атрофимизда содир бўлаётган воқеалар, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларидаги ўзгаришларни кенг халқ оммасига етказиш, бу борада тушунтириш ишлари олиб боришда ҳам фаоллик кўрсатиши лозим.

Минтақавий семинар давомида иштирокчилар, шунингдек, замонавий ва демократик жамиятнинг ривожланиши ҳамда шаклланиш босқичлари, хусусан, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ривожланишининг янги босқичи ҳақидаги қўшимча ахборотга эга бўлишди.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича партия кенгаши томонидан ўтказилаётган тадбирлар муҳокама этилди. Кўрилган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

# Давр фаолликни тақозо этмоқда

Семинар

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Тошкент шаҳар
Кенгаши матбуот хизмати.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан пойтахтимиздаги «Туркистон» меҳмонхонасида «Жамиятни демократлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда "Адолат" СДПнинг фаоллигини кучайтириш масалалари» мавзуида семинар ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, туман партия ташкилотлари раҳбарлари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



Тадбирда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг парламент Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузаси давлатимизнинг кейинги йиллардаги ривожланиш стратегиясини, истиқболларини белгилаб берган муҳим дастуриламал ҳужжат бўлди. Концепцияда кўрсатилган устувор вазифаларнинг ижроси кўплаб соҳа ва тармоқлар қаторида фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан ҳисобланган сиёсий партиялар, хусусан, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ҳам ривожланишини таъминлашга хизмат қилиши билан бирга, уларнинг зиммасига улкан масъулият юклайди.

Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз сайловолди дастурида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, демократик ҳуқуқий давлат, кучли, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, маънавий жипслашган жамиятни шакллантириш жараёнларида ўз ролини кучайтиришни мақсад қилиб қўйган. Партия бугунги кунда амалга ошираётган ишларнинг барчаси, пировардида, сайловолди дастурида кўзда тутилганидек, ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ғоясини илгари суришда давом этаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кафедра мудири, профессор Ахтам Жалиловнинг таъкидлашича, мамлакатни модернизациялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, тараққиётнинг бугунги босқичида сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни тобора ортиб бораётир. Бу жараёнларда уларнинг фаоллиги, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳар партия Кенгаши бунга алоҳида эътибор қаратган ҳолда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи аъзолари партия сайловолди дастури ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгаш депутатлари иштироки бўйича ҳисоботларини тинглашни йўлга қўйди. Шундан келиб чиққан ҳолда, семинарда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган икки нафар депутат — Тошпўлат Матибоев ва Зумрад Акрамхўжаеванинг ҳисоботи тингланди.

— Партиянинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари фаолияти сайловолди дастур ижросини қуйи бўғинлар билан ишлаб, бевосита аҳоли орасида фаолият юритган ҳолда таъминлайдиган кучли механизмни яратишда муҳим омилдир, — деди Т.Матибоев. — Депутатлар партия мақсад-вазифалари, сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда, муайян ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, электоратни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўз масъулиятини чуқур ҳис этмоғи, жонкуяр бўлмоғи, энг муҳими, ташаббускор ва фаоллик кўрсатмоғи муҳим аҳамиятга эга.

Семинарда айнан партиянинг Халқ депутатлари Маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлари ва жойлардаги партия ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик механизмларини янада шакллантириш борасида атрофлича фикр алмашинилди. Шунингдек, электорат манфаатларидан келиб чиқиб, партия мақсад-вазифаларини Халқ депутатлари Маҳаллий Кенгашларда, депутатлар аъзо бўлган доимий комиссияларда, депутатлик гуруҳларида ва сайлов округларида амалга ошириш йўллари ҳамда ушбу жараёнда партия ташкилотлари кўмаги масалалари батафсил таҳлил этилди. Шаҳар Кенгашидаги партия депутатларининг иш тажрибаси ўрганилди. Тадбир сўнггида кўрилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар белгилаб олинди.

# Қарор ижроси депутатлар муҳокамасида

« Давоми. Боши 1-бетда

Косон тумани ҳокимлиги мажлислар залида Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган депутатлик гуруҳи йиғилишида Юртбошимизнинг юқоридаги қарори ижроси муҳокама қилинди. Унда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари ва ушбу масалага дахлдор бўлган вилоят ташкилотлари раҳбарлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча бозор раислари иштирок этдилар.

Дастлаб депутатлик гуруҳи йиғилиши иштирокчилари тумандаги деҳқон бозори масъулияти чекланган жамиятида ҳозирги замон талаби, қолаверса, Президентимиз қарори асосида амалга оширилаётган ишлар билан атрофлича танишдилар. Шундан сўнг вилоят Бозорлар уюшмаси раиси Фозил Тошпўлатов ҳисоботи эшитилди.

Маърузачи вилоятдаги мавжуд бозорлар фаолиятини гарчи қониқарли баҳолаган бўлса-да, улар ишидаги айрим хато ва камчиликларни танқид қилди. Бозорларда юзага келган муаммоларни Халқ депутатлари, вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари сессиялари кун тартибига киритиш ва камчиликларни ижобий ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатишларини сўраб, «Адолат» СДПдан сайланган депутатлик гуруҳи аъзоларига мурожаат қилди.

— Бозорларимизда қарор ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди маърузачи. — Аммо бажарилаётган ишлар кўлами бугун барча жабҳада кечаётган ислоҳотлар талабига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди. Масалан, Чироқчи, Деҳқонобод, Қарши, Касби, Миришкор, Нишон туманларида деҳқон, озиқ-овқат, буюм бозорларида назорат касса машинаси тўлиқ ўрнатилмаган. Тўлов терминали билан таъминлаш ҳам қониқарли эмас. Уларнинг аксариятида автомобиллар тўхташ жойлари талаб даражасида қурилмаган. Айрим бозорларда эса маҳсулот сифатини назорат қиладиган лаборатория йўқ. Булардан ташқари, бозорларни савдо комплексига айлантириш, санитария назоратига риоя этишда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Шунингдек, йиғилишда сўз олган давлат ветеринария лабораторияси директори Абдураҳмон Дусанов, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази вилоят бошқармаси бош шифокори ўринбосари Тангриберди Бобоев, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Алишер Муҳаммадиев, Халқ депутаталари вилоят Кенгаши депутати Муниса Суюнова ва бошқа мутасадди ташкилот, муассасалар вакиллари ҳам бозорлардаги аҳвол юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, амалий таклифларини билдиришди.

— Депутатлик гуруҳлари олдига қўйилаётган вазифалар ҳаётий ва уларнинг бажарилишига ҳар биримиз масъул, — деди М.Суюнова. — Бугун ҳаётнинг ўзи депутатлар олдига катта вазифа қўймоқда. Хусусан, ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш, аҳоли манфаатини ҳимоя қилиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш депутатлар фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Биз бугун гуруҳимиз йиғилишида кўриб чиқилган масалаларни яна бир бор атрофлича ўрганиб, ўз таклифларимизни Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияси кун тартибига киритамиз, албатта.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

# ХДП "карвон"и қаёққа йўл олди?

« Давоми. Боши 1-бетда

Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам худди шу мақсадда мамлакат сиёсий саҳнасида фаолият кўрсатмоқда. Бироқ кейинги пайтларда мафкура бобида "шоҳдан шоҳга" сакраётган, ўзининг аниқ йўлини тополмай сарсон юрган ЎзХДП бош нашри саҳифаларида берилаётган материалларда партиямиз фаолиятини менсимаслик, уни обрўсизлантириш, илгари сураётган илғор ташаббус ва таклифларини, ҳаётга изчил татбиқ этаётган замонавий ғояларини кўриб кўрмасликка олиш оҳанги тобора кучайиб бораётир. Бу билан ХДПчилар тоталитар партияларга хос йўл тутмоқда. Одатда бундай тоифадаги партиялар жамиятдаги бошқа сиёсий институтларни инкор этишга уринишади, бошқа рақиб партияларни йўқотишга ёки камситишга ҳаракат қилишади. "Ўзбекистон овози" газетасининг жорий йил 5 июль кунги "Гап деса қоп-қоп, иш деса... " сарлавҳали мақоласи ҳам "Адолат" СДПни амалий ишлар ўрнига, тадбирбозлик билан шуғулланишда айблайди. Ёш, навқирон, тараққиёт йўлидан илдамлик билан бораётган партиямизнинг амалий ишларини ҳазм қила олмай, унга туҳмат ёғдиришга уринади. Муаллиф Алишер Равшанов мақоласининг сўнггида ХДПни "карвон"га тенглаштириб, "карвон ўтаверади..." деган мақол билан фикрини якунлаган. Бундай фикр юритиш билан у сиёсий майдонда соғлом рақобатнинг ўзига хос маданиятини, сиёсий этика принципларини оёқости қилган. Наҳотки сиёсий рақибларимиз юзларига айтилаётган танқидни ҳазм қилолмай, ҳақоратлаш йўлига ўтишган бўлса? Бу мақтанчоқликми ёки манманлик? Ўзи ХДП карвони қаерга кетаяпти? Карвон қандай юкни, қандай ғояни ортиб олган? Ахир, улар сайловчига аниқ ғояни, мафкурани тақдим этолмаяптилар-ку? Албатта, биз бу саволларга жавобни кутиб қоламиз.

Шу ўринда, жаноб ХДПчилар сизлар электорат олдида берилган ваъдаларингизнинг устидан чиқдик, деб ўйлайсизларми? Балки, бу саволга ўзингизча, ўйламай нетмай, манманлик билан "ҲА" деб жавоб қайтарарсиз. Аслида, сайловчи, аҳоли наздида бунга эриша олганингиз йўқ, албатта. Ҳозирча бирор-бир сиёсий партиянинг аҳоли, шу жумладан, сайловчи олдидаги қарзимизни уздик, деб мақтанишга ҳаққи йўқ. Шу жумладан, биз ҳам. Бироқ "Адолат" СДП кам бўлса ҳам ХДПдан кўра амалий ишларга қўл ураётганини, аниқроғи, инновацион ғояларни кўтариб чиқаётганини таъкидлаш жоиз. Биргина партия дастури доирасида чиқиндидан биогаз ва биоўғит олиш қурилмаси ишга туширилгани, уни оммалаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар давом этаётгани фикримизга яққол мисол бўла олади. Бундай амалий ишлар ҳақида кўплаб мисол келтириш мумкин. Улар ҳақида газетамизнинг деярли ҳар сонида маълумотлар бериб борилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзолари томонидан тайёрланган "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тегишли вазирликлар, идоралар билан келишилиб, ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлангани амалий ишларимизнинг бир қисмидир. Мазкур соҳадаги қонуннинг қабул қилиниши дунёда табиий захиралар камайиб бораётган бир шароитда энергия ресурсларнинг тежалишига олиб келади, келажак авлодга атроф-муҳитга зарари кам, экологик тоза энергия манбаларини қолдириш имконини беради.

"Гап деса қоп-қоп, иш деса..." сарлавҳали мақолада, шунингдек, "Адолат"чилар томонидан ЎзХДПга қаратилган танқидий мақолаларда асосан, депутатлик гуруҳлари фаолияти сустлиги мавзусига кенг ўрин берилаётгани тилга олинади. Бу фикрга қўшиламиз, албатта. Чунки ҳақиқатда ҳам Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ХДП кўпчилик ўринларни эгаллаган. Аммо ўринни эгаллаб ўтириш, манманлик билан иш битмайди. Бугунги сайловчи маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларидан амалий, ишларни кутмоқда. Айнан ХДП депутатлик гуруҳлари тўлақонли фаолият юритишда ожизлик қилишмоқда. Хусусан, маҳаллий ижроия ҳокимияти фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини, депутатлик назоратини йўлга қўя олмаяптилар. Бугунги кунда айнан ҳудудларнинг ижтимоий муаммоларини ечишда ХДП вакилларининг ниҳоятда тор доирада ҳаракат қилаётгани, дастурий вазифаларини бажаришдаги ожизликлари яққол сезилиб қолмоқда. Маҳаллий ҳокимият ижро органларида ҳам ХДП вакиллари кўпчиликни ташкил этаётганлиги сабабми, рақибимиз муросасозлик, сен менга тегма, мен сенга тегмайман, қабилида иш юритмоқда. Маҳаллий ижро ҳокимиятларидаги фаолияти юзасидан "Ўзбекистон овози" саҳифаларида танқидий мақолаларнинг камлиги ҳам эскича қарашлар, ҳалигача эскича иш услубларидан воз кечилмаётганини исботлайди. Зеро, сиёсий партияларнинг тўлақонли фаолиятисиз демократия ҳам, мўътадил тараққиёт ҳам, фуқароларнинг манфаатини рўёбга чиқариш масалалари ҳам осон кечмайди. Наманган вилояти, Учқўрғон туманида истиқомат қилувчи, ўқитувчи Алишер Олимовнинг фикрича, "Ўзбекистон овози"да партиянинг қурултойларда қабул қилинган, пировард мақсад-муддаолар ўз ифодасини топган Дастури, партия ички ҳаётининг қонуни — Низоми каби ҳужжатлари ижросига бағишланган таҳлилий-танқидий мақолалар ниҳоятда кам учраётир. Шунингдек, "отахон" газетанинг ўз фаолиятида хатога йўл қўйган бирonta ҳоким ёки раҳбарни танқид остига олганини эслай олмайди.

Ҳеч қандай партияга аъзо бўлмаган яна бир юртдошимиз — журналист Иноят Султонованинг фикрича, мамлакатимиздаги аксарият ҳудудлардаги маҳаллий Кенгашларда депутатлик ўрнини эгаллашда катта устунликка эга бўлган ХДПнинг ҳудудий ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятида назорат етишмаяти. Партиявий-сиёсий жараён — бу мавсумий иш эмас. Ҳар қандай ташкилотнинг ҳаракати жиддий амалий фаолиятда кўринади. Бугун телевидение дастурларида асосан ХДП ўтказаётган назарий тадбирлар кўзга ташланаяпти, холос. Амалий ишлардан дарак йўқ. Демак, улар нима биландир шуғулланишаяпти... Аммо уларнинг маҳаллий ижроия ҳокимиятлари устидан жамоатчилик назоратини самарали олиб бораётгани хусусида лом-лим дейилмаяпти.

...Бу сўзларга қўшимча қилишга ёки уларни изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак.

ХДП нашрида эълон қилинаётган аксарият "оғизйиртар" мақолаларга эътибор қаратсак, мазкур партиянинг ҳамон аниқ ғоя ва мафкурадан узоқ яшаётганига гувоҳ бўласиз. Газета саҳифаларида кичик ва хусусий бизнеснинг ҳимоясига бағишланган мақолалар шу даражада кўпайиб кетдики, ХДП кимнинг манфаати ҳимоячиси, тадбиркорларними ёки кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларними, деган табиий савол туғилади.

Эътибор беринг: бугун ХДП либераллар эътироф этаётганидек, ногиронлар, кам таъминланган, у ёки бу сабаб билан иш ўрнини йўқотган ёхуд айрим мутасаддиларнинг лоқайдлиги туфайли муаммосини ҳал қила олмай сарсон юрган юртдошларимиз ҳақида эмас, кўпроқ тадбиркорлик масаласини бош масалага айлантираяпти. Афсуски, сўллар бонг ураётганидек, Жамоатчилик қабулхоналари нафақат кам таъминланган оилаларнинг, балки кўплаб юртдошларимиз ва тадбиркорларнинг дардига малҳам бўлаётганича йўқ. "Гап деса қоп-қоп, иш деса..." мақоласида 2011 йилнинг 5 ойи давомида партиянинг Жамоатчилик қабулхоналарига 3500 га яқин мурожаатлар келиб тушгани, уларнинг ҳар бирида кўтарилган масалалар алоҳида мақола қилишга арзиши таъкидланади. Афсуски, пахтаободлик тадбиркор Козимжон Жўраев, фарғоналик оддий уй бекаси Насибахон Абдуллаева ХДПнинг Жамоатчилик қабулхоналари уларнинг муаммосини ечиш тугул, аризаларини қабул қилмаганликларини ҳам ёзганлар.

— Тадбиркорликка қўл уриб, Пахтаободдай чекка туманда ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиб, маҳаллий 10 нафар фуқарони иш билан таъминлашга эришдим. Бироқ турли "ўйин"лар оқибатида мен ишимдан айрилибгина қолмай, жавобгарликка ҳам тортилиш арафасига келиб қолдим. ХДП туман кенгашининг Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилдим, афсус, улар мени эшитиш, мурожаатимни қабул қилиш ўрнига муаммоингизни O`zLiDeP ҳал қилиб беради, дейишдан нарига ўтмади,— дейди Козимжон Жўраев.

Айтиш жоизки, масъул вакилларнинг "ўзи сезмаган ҳолда" "оёғининг ердан узилиш" ҳолатлари, ҳатто "энг кекса" партия сафида тез-тез учраётгандиги ниҳоятда ачинарлидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, бугун сиёсий партияларга, уларнинг Олий Мажлисдаги фракциялари ва ҳудудий ташкилотлари фаолиятига электорат аъзолари, хайриҳоҳлар, борингки, барча юртдошларимиз талаби тобора кучайиб бормоқда. Чунки ҳар қандай сиёсий партия ўз электорати манфаатларини кўзлаб, бўлажак сайловларда кўпроқ овоз олиш, ўрин эгаллаш муддаоси билан сиёсий майдонга тушган экан, фаолияти — қилаётган ишлари, ҳаракати, интилишлари шунга яраша бўлиши лозим.

# ОАВ эркинлиги ва мустақиллиги — жамият ютуғи

« Давоми. Боши 1-бетда



Шуни алоҳида таъкидлаш керак, мустақиллик йилларида ОАВлари эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш мақсадида мутлоқ янги концепция вужудга келди.

Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси ташкил топди. Бугунги кунда у ўз таркибига 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситаларини бирлаштирди. Шунингдек, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ҳамда ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди вужудга келди. Кейинги 10 йил ичида босма оммавий ахборот воситалари сони 1,5 бараварга, электрон оммавий ахборот воситалари сони эса 7 бараварга кўпайиб, уларнинг умумий сони 1200 тадан ошди. Мавжуд телеканалларнинг 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир. Улар мамлакатда ОАВларининг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келяпти.

Ҳуқуқий демократик давлатнинг, фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан бири — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида ошкораликка эришишдир. Шунинг учун мамлакатимиз Президенти Концепцияда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги" Қонунни қабул қилиш зарурлигини таъкидладилар.

Ушбу қонуннинг яратилиши ўз навбатида фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлиги соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб беради. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги ҳамда фуқаролар олдидаги масъулиятини кўп жиҳатдан кучайтиради.

Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ёритиш, давлат идоралари фаолиятида очиқликни таъминлаш, ўтказилаётган ислоҳотлар, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати борасидаги аҳоли хабардорлигини ошириш каби масалаларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳасида ОАВларининг давлат ҳокимияти идоралари фаолияти тўғрисидаги ахборотни тўплаш, қайта ишлаш, яратиш ва тарқатишга тайёрлаш, ундан фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқи кафолатланади.

Айни кезда лойиҳада давлат идораларининг тегишли ахборот хизматлари орқали журналистларнинг ахборот олиши учун барча шароитларни яратиб бериш мажбурияти белгиланади. Мустақиллик йилларида ҳар бири ўзига хосликка эга давлат, жамоат, хусусий телерадио корхоналари пайдо бўлди. Бироқ уларнинг ҳуқуқий асосларини ўзида мужассам этган, мақсад ва вазифаларини белгилаб берган алоҳида қонун йўқ эди. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбари "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида" Қонун қабул қилиш кераклиги ҳақида таклиф билдирди. Шубҳасиз, янги қонунда телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни янада кучайтириш, телерадиодастурларни узатиш борасида мобиль ва рақамли телевидение каби илғор замонавий технологияларни жорий этиш имконини берувчи нормалар ўз аксини топади.

Ахборот хизматлари бозоридаги иқтисодий эркинлик ва рақобатбардошликни таъминлаш, телерадиоэшиттиришларни ташкиллаштириш жараёнига бозор механизмларини жорий этиш каби ҳуқуқий нормалар киритилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида "Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари тўғрисида" ҳам янги қонун қабул қилиш эҳтиёжи борлигини айтдилар. Шу нуқтаи назардан қонуннинг асосий мақсади — жамиятни вақтида, тўла ва ишончли ахборот билан хабардор қилишнинг зарурий шарти сифатида оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий жиҳатдан мустақиллигини таъминлашдан иборат. Қонун лойиҳасида оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашда давлатнинг иштироки, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш принциплари, янада ривож топишига қаратилган имтиёзли енгилликлар тизими яратилиши назарда тутилмоқда.

"Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги янги қонун эса оммавий ахборот воситаларини халққа янада яқинлаштириш ҳамда матбуот мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашда муҳим омил бўлади. Шунингдек, бозор муносабатлари ва ахборот соҳасидаги рақобат шароитида ОАВ эркинлиги кафолатларини мустаҳкамлайди.

Хулоса қилиб айтганда, журналистика соҳасидаги ушбу ислоҳотлардан аввало, оддий фуқаролар, қолаверса, жамият кўпроқ фойда кўради. Чунки журналистлар ўз касблари тақозосига кўра кенг омма билан, аҳолининг турли табақалари, жумладан, оддий фуқаролар билан доим мулоқотда бўлишади. Улар меҳнатининг натижаси бўлган материалларда ҳаёт акс этади. Ҳаёт бу — яшаш, яшаш эса ҳақиқат. Ҳақиқатнинг холис, эркин ва мустақил бўлиши — жамият ютуғи.

# Фаровон турмуш кафолати

**Партия ташаббуси**

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Тошкент вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши тобора ортиб бораётгани мазкур соҳага давлатимиз томонидан қаратилаётган юксак эътибор ва яратилаётган имтиёзлар самарасидир. Тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришда, шунингдек, сиёсий партиялар ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти Кенгаши ҳам кичик бизнес вакилларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ишлаб чиқариш мақсадлари учун маблағлар ажратилишига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Эътиборлиси, бу борада муайян ютуқларга эришилмоқда.



Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур соҳа вакилларини қўллаб-қувватлашга қаратилган 30 га яқин тадбирлар ташкил этилди. 20 нафардан ортиқ фуқаролар бевосита партия фаолларининг кўмаги билан ўз кичик бизнесларини йўлга қўйишди.

— Муҳтарам Юртбошимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади" номли маърузасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш масаласига эътибор қаратиб, бу борада келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида алоҳида тўхталган эди, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти Кенгаши раиси Камолжон Шодиметов. — Қолаверса, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурини амалга оширишда Ўзбекистон "Адолат" СДП иштирокини таъминлаш борасида ҳаракат дастуримиз мавжуд. Ана шу нуқтаи назардан фаолиятимизда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз.

Жорий йилнинг бошида вилоят партия Кенгашининг амалий ёрдами билан Ўртачирчиқ туманидаги "Кучлик" маҳалласида Ўзбекистон "Адолат" СДП дастури доирасида чиқиндидан биогаз ва биоўғит олиш қурилмаси ишга туширилди. Суткасига 200-300 килограмм чиқиндини қайта ишлаш қувватига эга мазкур қурилманинг ишга туширилиши бир неча янги иш ўринларини очди. Ундан олинаётган биоўғит зўр даромад манбаига айланмоқда. Айни вақтда иш кўламини кенгайтириш устида иш олиб борилмоқда.

Яна бир мисол: Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳамда Тошкент вилояти Кенгаши ташаббуси ва кўмаги билан Бектемир туманидаги мебель профиллари ва панеллари ишлаб чиқаришга асосланган "Caps Furniture Components" масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаши ўнлаб ёшларни муқим иш ўринлари билан таъминлади.

Оҳангарон туманидаги "Покизахон" ўқув марказининг ташкил этилишида ҳам вилоят партия Кенгашининг ҳиссаси бор. Ўқув марказида қизлар қандолатчилик, сартарошлик, бичиш-тикиш, элита услубида пардалар тикиш, зардўзлик каби ўнлаб йўналишда таҳсил олмоқдалар. Ўқув марказида тикув цехи ҳам фаолият юритмоқда. Бу эса маҳаллий аёлларни иш билан таъминлаш имкониятини яратди.

— Бугун биз тадбиркорларга мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди корхона раҳбари Зарифахон Боходирова. — Ана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, иш кўламимизни кенгайтирмоқдамиз. Бу борада Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти Кенгаши бизга яқиндан кўмак бериб келмоқда. Яқинда улар ташаббуси билан "Покизахон маликаси" кўрик-танловини ўтказдик. Бундан кўзланган мақсад, қизларимизни рағбатлантириш, келажакда ўз кичик корхоналарини очишлари учун ҳозирданоқ ҳар томонлама тайёрлаб боришдан иборат.

— Мен "Покизахон маликаси" кўрик-танловининг мутлоқ ғолиби бўлдим, — дейди Сабинахон Садиқова. — Бундай муваффақиятга эришишимда ўқув марказимиз жонкуяр устозларининг хизматлари катта. Келажакда ўз бизнесимни йўлга қўйиб, юртимиз иқтисодиёти равнақига ўз ҳиссамни қўшсам дейман.

Вилоят партия Кенгаши ҳудудларда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — фаровонлигимиз, тараққиётимизнинг мустаҳкам таянчи" ягона мавзуида давра суҳбатлари ташкил қилиб келмоқда. Бу билан аҳолини тадбиркорлик, ишбилармонлик билан шуғулланишга, ўз ҳалол меҳнати билан оиласи даромадини кўпайтиришга ундашмоқда.

# *Сайтимизда янги саҳифа:* "Онлайн депутат"

**Ўзбекистон «Адолат» СДП матбуот хизмати.**

Партиямизнинг расмий сайти такомиллашиб, янгича қиёфа касб этгач, унда бир қанча интерактив хизматлар жорий этилди. Фикр-мулоҳаза қолдириш, ҳар бир мақолага ўз изоҳини қўшиш имконияти, "Facebook"да саҳифа яратиш, сўровномалар шулар жумласидандир. Шунингдек, сайтга "Адолат" СДПдан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия Кенгашлари ҳақида маълумотлар, улар билан алоқага чиқиш, мулоқотга киришиш учун керакли маълумотлар жойлаштирилди. Бундай мезонлар ўз навбатида аудиториянинг партия ҳаёти билан яқинлашишини таъминлайди. "Адолат" СДП сайловолди дастурида белгиланган бошқарувда очиқлик, ошкоралик, ҳисобдорлик принципларини ифодалайди.

Сайтимизда интерактивликни янада ошириш, электорат ва депутат алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида "Онлайн депутат" лойиҳаси йўлга қўйилди. Унга кўра, Ўзбекистон "Адолат" СДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатлар навбатма-навбат, бир ҳафта муддатда сайт ўқувчиларининг саволларига жавоб бериш учун бириктирилади. Ҳафта бошида сайтга депутат ҳақидаги мухтасар маълумот жойлаштирилади ва махсус ойнача ёки электрон почта орқали савол бериш мумкинлиги эълон қилинади. Депутатга келиб тушган барча саволларга ҳафта охирида жавоб олинади ва у сайтда интервью тарзида чоп этилади. Шу билан бирга, бошланган ҳафтанинг янги "онлайн депутат"и эълон қилинади.

Демак, энди сиз «Адолат» социал-демократик партиясидан сайланган депутатлар билан нафақат сайловчилар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ёки депутатлик қабулхонасида, балки сайтимиз орқали ҳам бевосита мулоқотга киришиш имкониятига эгасиз. «Онлайн депутат» лойиҳасининг биринчи иштирокчиси – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, фракциямиз аъзоси Тўлқин Абдусатторовга www.adolat.uz сайтининг "Онлайн депутат" саҳифаси ёки info@adolat.uz электрон манзили орқали саволларингизни беришингиз мумкин.

## Ўзбекистон Шотокан Каратэ-до:

# Юрт шаънини улуғлаш

### спортга ошно авлоднинг бош мақсадидир

« Давоми. Боши 1-бетда

Бир вақтлар Ўзбекистондек ёш мустақил давлат фарзандлари замонавий илмлар эгаллаб, турли халқаро мусобақаларнинг совриндорлари бўлишини, жаҳон спорт шоҳсупаларида юлдузлари порлаб турган юртимиз Байроғи мусиқа садолари остида баланд кўтарилишини тасаввур ҳам қилолмасдик.

Нафақат пойтахтимизда, қолаверса, вилоятларимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам спорт билан шуғулланиш учун замонавий спорт мажмуалари, сузиш ҳавзалари ва стадионлар бунёд этилди. Уларни юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

— Эрта ёшдан бошлаб спорт билан мунтазам шуғулланадиган болаларгина жисмонан соғлом, бақувват бўлиб вояга етади, — деган эди юртимиз раҳбари Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик Кенгашининг шу йил 25 февраль куни бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида сўзлаган маърузаларида. — Ўз-ўзидан аёнки, болалар спортини ривожлантирмасдан туриб, ўзбек спортининг келажагини таъминлаш, халқаро майдонда унинг обрў-эътибор қозонишига эришиш мумкин эмас. Бугунги кунда айнан спорт бутун жаҳонда ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг ўз салоҳиятини намоён этиши, ғурур ва ифтихорини юксалтиришнинг энг самарали ва таъсирчан воситасига айланиб бораётганини кўриш-кузатиш қийин эмас.

Ўзбекистон спортининг каратэ турларидан бири — Шотокан каратэ-до ассоциацияси таркибидаги спортга иштиёқманд аъзолар ҳам айнан юрт равнақини жаҳонга ёйиш, бўш вақтларини ўз саломатликларини мустаҳкамлаш ва малакали мураббийлардан пухта таълим олишга бел боғлаган баркамол ёшлардан, десак хато бўлмас. Мамлакатимизда Шотокан каратэ-дони тарғиб этиш ва ривожлантириш, ёшларни каратэ-до спортига жалб этиш, қолаверса, ёш авлод онгида соғлом турмуш тарзи ва унга риоя этишни шакллантириш, уларни гиёҳвандлик, ёт ғоялар таъсиридан сақлаш мақсадида ташкил этилган мазкур ассоциация қисқа вақт ичида кенг спортсеварларни бағрига тортиб улгурди. Масалан, ассоциация ташкил этилган 2003 йилда 6 тагина вилоятда унинг ҳудудий бўлим ва клублари фаолият юритган бўлса, ҳозир барча вилоятларда унинг бўлимларида 20 мингдан ортиқ йигит-қизлар спортнинг шу тури билан машғул.

— Бизни қувонтирадиган томони — ёшларимизда каратэга қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Шотокан каратэ-до ассоциацияси президенти, 4 ДАН қора белбоғ соҳиби Бахтиёр Мирзақулов. — Ота-оналар ҳам мактабда ўқиётган ва ҳатто боғча ёшдаги фарзандлари қўлларидан тутиб, спорт залларига етаклаб келишмоқда, машғулотлар кузатувчисига айланишмоқда. Бу эса спорт ота-оналар ишончига, орзулари инобатга чиқишига умидворлик туйғусини уйғотаётганлигидан дарак. Тан олиш жоиз, буларнинг барчаси мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида спортга, соғлом авлод тарбиясига берилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликлар намунасидир.







#### «УСТОЗИМ — ФАХРИМ»

Малакали устоз — шогирд учун чинакам бахт. Асрлар давомида сайқалланиб-сайқалланиб ўз исботини топган ушбу ҳикматли нақл барча соҳалар қатори спорт соҳасида ҳам ўз қадрига эга. Энг машҳур инсонлар, хусусан, спортчиларга энг кўп бериладиган саволлардан бири ҳам шу: «Устозингиз ким?»

Ассоциация музейини кузатар эканмиз, жавонларни тўлдириб, ярақлаб, кўзларни қувнатиб турган ғолиблик кубоклари, дипломлар, совғаларнинг кўплигидан фахрланиб кетасан киши. Бу эса, табиийки, ассоциация таркибида малакали, фидойи спорт мураббийларининг кўплиги ва улар ёшларга спорт сирларини астойдил ўргатаётганлигидан далолат. Хусусан, 2000 ва 2008 йилларда икки каррадан йилнинг энг яхши мураббийи деб тан олинган 5 ДАН қора белбоғ соҳиби Хўжамқул Хўжамқулов, 4 ДАН қора белбоғ соҳиби Тимур Миракилов, 3 ДАН қора белбоғ соҳиби — Ҳамидулло Калинбетов, Барат Тошпўлатов, 1 ДАН қора белбоғ эгалари — Даврон Шамсиддинов ҳамда Набижон Нуриддиновлар сингари ўнлаб устоз шотоканчилар ўз шогирдлари билан нафақат мамлакат миқёсидаги мусобақаларда, балки халқаро жангларда ҳам мамлакатимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишмоқда.

Қуруқ ташбеҳлар билан кифояланмасдан, аниқ далилларга ўтайлик: соҳа терма жамоаси вакиллари 2005 йилда Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Европа чемпионатида 2 та олтин, 3 та кумуш, 8 та бронза медали совриндори бўлишган бўлса, 2007 йилда Японияда ўтказилган жаҳон чемпионатида 4 та олтин ва шунча бронза медалига сазовор бўлишди ва умумий жамоа бўйича 2-ўринни қўлга киритишди. 2008 йилда Руминияда бўлиб ўтган навбатдаги Европа чемпионатида Ўзбекистонлик шотокан каратэ усталари ўз маҳоратларини ёркин намойиш этиб, 3 та 1-ўрин, 6 та 2-ўрин ва 5 та 3-ўринни "ишғол" этишиб, умумий жамоа бўйича 2-поғонани нишонга олишди. Худди шу йил Тошкентда ўтган Осиё чемпионлиги баҳсларида Ўзбекистон каратэчилари 32 та олтин, 14 та кумуш, 7 та бронза медаллари жамғаришди ва олий шоҳсупага чиқиш нашидасини сурдилар. 2009 йили Лас-Вегасда Чан-Кукдо йўналиши бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳам Шотокан каратэчиларимиз 3-ўринни забт этишган бўлса, ўтган йили Кипрда жаҳон кубоги учун ўтган беллашувлар ҳам ғоят унутилмас лаҳзаларга бой бўлди. Сабаби 14 та олтин, 6 та кумуш, 8 та бронза медаллари нишондори бўлишган Ўзбекистон жамоаси шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллашди. Тинимсиз изланишлар, пухта тайёргарликларда ўз маҳоратларини оширишда давом этишаётган мазкур соҳа вакиллари жорий 2011 йил тақвимида ҳам унутилмас кунни белгилаб қўйишди. 1-3 май кунлари Қорадениз кубогида ўтказилган халқаро турнирда 2 та 2- ва 6 та 3-ўринни ишғол этишган каратэчиларимиз 7-9 май кунлари Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида бўлган навбатдаги халқаро турнирда 5 та 1-ўрин ва шунча 2-ўрин, 17 та 3-ўрин соҳибларига айландилар.

Юрт шаънини ҳимоя қилиш мақсадида спортга ошно бўлган ёш авлодни муносиб тарбиялаб, эришган юксак муваффақиятлари учун 2010 йилда Шотокан Каратэ-до «Йилнинг энг яхши Федерацияси» деб тан олинди.

#### ШОТОКАН КАРАТЭЧИ ҚИЗЛАР — «ЗУЛФИЯ» МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ

— Спорт менинг ҳаётим мазмуни, — дейди Ангрен шаҳридаги 2-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси, 3 карра Ўзбекистон чемпиони, шунингдек, Осиё ва Европа чемпионатларида, Истанбул ва Кипр оролидаги жаҳон кубоги мусобақаларида 1-ўрин соҳибаси бўлган Зулхумор Бобоева. — Опаларимнинг спортдаги ғалабаларига қизиқиб, мен ҳам Шотокан каратэ-до йўналишида устозлардан таълим олишни, каратэ сирларини ўрганишни мақсад қилиб қўйганман. Бугун ана шу ниятларимнинг ижобат бўлаётганидан фахрланаман. Чунки, спорт туфайли дунёнинг кўплаб мамлакатларини кезиш билан бирга, Президентимиз ташаббуслари билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлдим. Бунинг учун Юртбошимизга, ота-онам ва устозларимга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Дарвоқе, ушбу мукофот шотоканчилар учун биринчи соврин эмас. 2010 йилда маҳоратли спортчи қиз — Зумрат Тазетдинова ҳам спорт йўналиши бўйича мазкур Давлат мукофотига сазовор бўлди.

#### НАВБАТДАГИ «ОЛТИН»ЛАР

**2011 йил, 1-3 июль:** Ўзбекистон байроғи Москвада навбатдаги муваффақиятлар белгиси бўлиб, баланд ҳилпиради. Боиси, Россияда Шотокан каратэнинг Бутунжаҳон шотокан каратэ бирлашмаси — WSKU бўйича ўсмирлар, ёшлар, катталар ва фахрийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 4 та олтин, 3 та кумуш, 9 та бронза медалини қўлга киритди. Мазкур чемпионатда 20 дан зиёд давлатдан 2000 нафарга яқин спортчи иштирок этганини ҳисобга оладиган бўлсак, юқоридаги медаллар юртимиз спортчиларининг маҳорати кундан-кунга юксалиб бораётганлиги ва соҳага диёримизда жуда катта эътибор кўрсатилаётганини сезиш қийин эмас. Қувонарлиси, мусобақанинг ката-комплекс машқ бажариш баҳсларида юртдошимиз Зумрат Тазетдинова шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

— Шотокан каратэ-до бўйича кўплаб нуфузли мусобақаларда қатнашганман, — дейди З.Тазетдинова Тошкент халқаро аэропортида бизга берган интервьюсида. — Ҳар сафар шоҳсупага кўтарилганимда отаонамнинг, мураббийларимнинг шундай имкониятлар яратиб берган Юртбошимизнинг ишончини оқлаганимдан дилим ифтихорга тўлади. Насиб этса, яқинда АҚШ ва Японияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатларида ҳам юрт шарафини муносиб ҳимоя қиламан.

Ката баҳсларида иштирок этган ёш спортчиларимиздан Дилмуҳаммад Эргашев ва Ширин Раҳимова бронза медаль билан тақдирланди. Кумитэ — яккама-якка беллашувида Шоҳрух Исматов олтин медални қўлга киритган бўлса, Адҳам Иброҳимов, Дониёр Усмонов — кумуш, Беҳруз Чориев, Ширин Раҳимова, Нодира Жуманиёзова, Зулхумор Бобоева ва Азиза Омонова бронза медалига сазовор бўлишди. Жамоавий кумитэ баҳсининг олтин медалини эса Адҳам Иброҳимов қўлга киритди. Бу ҳали ҳаммаси эмас, фахрийлар ўртасидаги кумитэ беллашувларида Баҳодир Бобоев 1-ўринни забт этган бўлса, ката баҳсларида Хўжамқул Хўжақуловга кумуш медаль насиб этди.

#### БЎЛАР ЭЛНИНГ БОЛАЛАРИ

Санаб ўтганларимиз — Ўзбекистон шотокан каратэ-до ассоциацияси ғалабалари, таъбир жоиз бўлса, денгиздан томчи. Муҳими, Мустақиллигимизнинг муборак 20 йиллик ёшида навбатдаги қутлуғ остонадан хатламоқчи бўлган ёшларимиз қадамларидаги шахд ва дадиллик эртанги кунимиз эгаларининг муносиб ворислари эканлигидан нишона. Севимли шоиримиз таърифлаганидек, бўлар элнинг болалари, ўз элим дер. Ўзбекистонда ўз элим, ўз юртим деб ёниб яшаётган эл болалари ютуқларидан фахрланмай бўладими!

---

Ҳар тўғрида

Баҳора РАҲМОНОВА.

# Фикр — нур калити

Ёшлигимда қишлоғимиз оқсоқолларидан эшитган ушбу тавсиф ҳамон ёдимда: "Ўзи дуруст йигит, аммо гапининг ушови йўқ..."

Гапнинг ушови қандай бўлишини кейин-кейин тушуниб етдим. Ушов — гапнинг мағзи, пўст калласи. Синчков киши ҳузурига келган одамнинг мақсад-муддаосини икки оғиз сўзиданоқ англайди.

Донишмандлар фикрни ҳаётнинг жон булоғига қиёслашган. Фикрлаяпманми, демак яшаяпман, дейишган. "Фикрлашдан тўхтаган одамнинг умри ҳам тўхтайди, энди у фақат мавжуд бўлиб қолади", дея ўзларига ўзлари сабоқ беришган, бу аччиқ ҳақиқатан бошқаларни ҳам огоҳ қилишган.

Фикрсизлик иллати шўролар салтанатини таназзулга олиб келди. Одамларни ҳайбаракаллачига айлантириб қўйди.

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг тафаккур фазилатига доир қуйидаги фикрига эътибор беринг: "Суннатда бир соат фикр қилиш бир йиллик нафл ибодатидан яхшидир", деган маъно ворид бўлган. Аллоҳнинг китобида ҳам тадаббур ва эътибор, мулоҳаза ва тафаккур хусусида кўп тарғиблар бор. Фикрнинг нур калити ва фаҳмлаш ибтидоси экани сир эмас. У илмларни овлайдиган тўрдир...".

Алихонтўра Соғунийнинг ушбу таҳлили янада муҳим: "Нима учун кейинги асрларда Туркистон халқи жоҳилият ботқоғига ботди? Бунинг бош сабаби — динни асоси билан тушунмаган илм-маданият душманлари ҳокимият тепасида бўлдилар. Ўзларини дин ҳомийлари деб эълон қилиб, халқни маърифат нуридан маҳрум, замонавий фанний илмлардан бутунлай йироқ тутдилар... Шунинг учун Туркистон халқининг ичида уйғониш, фикр очилиши бўлмади. Давлатнинг инқирози, миллатнинг онгсизлигига шу жоҳиллар сабабчидур".

Ҳасан Басрий меросидан бир парча: "Кунларнинг бирида бир обид йигит билан Басра бозорида оломон орасида айланиб юриб, бир табибни учратдик. Табиб хонтахта олдида ўтирар, ҳузурида эркаклар, аёллар, ёш болалар туришар эди. Ҳамманинг қўлида идиш бўлиб, ичида сув бор эди. Ҳар бир киши табибдан касалига қандай шифо топишни сўрар эрди. Шунда ҳалиги обид йигит табибга яқинроқ бориб, "Эй табиб, сизда гуноҳларни ювиб, қалб хасталигига шифо берувчи дори борми?" деб сўради. Табиб эса шундай деди: "Шундай дори бор, бунинг учун қуйидаги ўнта нарсани қилгин: Тавозеъ ва камбағаллик дарахтининг илдизини олгин. Уни тавба ўсимлигига аралаштиргин. Ризо ҳавончасига солгин. Қаноат дастаси билан майдалагин. Тақво қозонига ташлагин. Ҳаё сувидан қуйгин. Муҳаббат олови ила қайнатгин. Шукр косасига қуйгин. Умид совутгичи билан совутгин. Ҳамд қошиғи билан ичгин. Ана шуларга амал қилсанг, албатта, ҳар касалликка ва дунё-охиратдаги балоларга фойда беради".

---

Дилноза ИСМАТОВА.

# Ҳайрат

Кусто исмли олим инсоният нигоҳини уммонлар тубига қаратиб, бизни бу сирли олам билан таништирди. Кусто командаси лентага муҳрлаган фильмлардан бири балиқлар ҳаётига бағишланади. Шу фильмни неча бор кўрсам-да ҳайратим асло камаймайди. Увилдириқдан пайдо бўлган мурғак балиқчалар туғилган жойларидан неча юз минг километр масофага узоқлашиб кетадилар. Аммо ҳаётлари сўнггида юз минг машаққат билан, қанчадан-қанча табиий, сунъий тўсиқлардан ўтиб, неча мингминглари йўлларда ўлиб, жуда оз микдорда қолсалар ҳам туғилган жойларига қайтадилар. Кўз очиб уммон тубини кўрган маконларида, аввал бўлғуси авлодлари учун увилдириқ қўйиб, сўнг аста жон таслим қиладилар.

Телевидениеда Африка ва Лотин Америкаси чангалзорларида яшайдиган турфа хил қушлар ҳаётига доир инглиз олимлари суратга туширган фильмларни ҳам намойиш қилишди. Яна ҳайрат, тушуниб бўлмайдиган сирсиноат. Ўғри, қароқчи, текинхўр, тайёрга айёр қушлар, боласини бировга ташлаб кетадиган сурбет қушлар, зурриёти учун ўлимга тик бора оладиган онаизор қушлар, рассом қушлар, ҳофиз қушлар, тўқувчи қушлар...

Биттаси минг уриниб ин қуради, бошқаси пойлаб туриб, уни эгаллаб олади. Биттаси қурган инига тухум қўяди, бошқаси бошини қотириб ўтирмай, шу тайёр инга тухумлайди. Биттаси ин қуриш учун узоқ-узоқларга учиб, ҳориб-толиб, оғзида хас-хашак олиб келади. Бошқаси эса йўлда унга ҳужум қилиб, оғзидаги чўпни олиб қочади. Биттаси сув юзасига чиқиб қолган балиқларни тумшуғига олиб, ҳавога кўтарилиши билан текинхўр қароқчи қушларга дуч келади ва ўлжасидан маҳрум бўлади. Биттаси инида пайдо бўлиб қолган бегона тухумни ҳам очиб чиқаради. Бегона тухумдан чиққан қуш боласи эса орадан кўп ўтмай унинг болаларини еб қўяди...

Аввал болаларини тўйғизиб, сўнг овқатланадиган, гуллардан гилам тўқийдиган, инларини турфа ранг гуллар билан безайдиган, худди нуфузли танловда бош соврин учун курашаётгандай, басма-басига куйлаётган ҳофиз қушлар ҳам бўлар экан. Мени ҳайратга солгани — қушлар орасида бахил, хасис, бировнинг уйини бузмаса, болаларига озор бермаса кўнгли ўрнига тушмайдиганлари ҳам бўлар экан...

Ўйланиб қоламан: ким кимдан ибрат олди экан — одамзот қушларданми ё қушлар бизларданми?...

---





Ғулом ХИДИРОВ.

*Наманган туманида 2007 йилда ташкил этилган "Водий ёғоч" хусусий корхонасининг фаолияти асосан, ёғоч қурилиш материалларининг улгуржи савдосидан иборат. Корхона "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик" йилида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшимча цехи фаолиятини йўлга қўйди. Айни пайтда бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорларига эга. Энг муҳими, маҳаллий ёшларнинг 30 нафари доимий иш билан таъминланган.*

**Суратларда:** *корхона фаолиятидан лавҳалар.*

Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, "Тинчлик" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "Шавкат-Ин-Транс-Сервис" хусусий фирмасига қарашли муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# Ботулизмдан сақланинг

Саломатлик

Ойбиби АБДУРАҲМОНОВА.

Бир шифокор танишим ҳикоя қилади:

— Иш жараёнида турли ҳолатларга гувоҳ бўламан. Масалан, бундан уч-тўрт йил аввал оғир аҳволдаги эмизикли болани олиб келишди. Афсуски, шифохонага етмаёқ гўдак нобуд бўлган экан. Маълум бўлишича, чақалоқнинг онаси шиша идишда тузланган помидор ва бодринг истеъмол қилган. Қўшимча овқат сифатида гўдагига ҳам тузламанинг сувидан ичирган. Орадан бир неча соат ўтиб, бола безовталана бошлайди. Нафас олиши қийинлашиб, ранги кўкариб кетганига қарамай, улар шифокорга мурожаат қилмаган. Ўз вақтида шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилмагани ана шундай мудҳиш оқибатга олиб келган...



Юқумли касалликлар шифохонаси шифокори бўлган ушбу танишимнинг айтишича, гигиена қоидаларига риоя қилмасдан тайёрланган консерва маҳсулоти истеъмол қилиниши натижасида она ва унинг қолган икки фарзандига ҳам ботулизм вируси юққан. Уларнинг эса ҳаёти асраб қолинган.

Шу ўринда айтиш жоизки, айни вақтда уй бекаларимиз табиатнинг сархил меваларидан қишки мавсумга атаб хилма-хил консерва маҳсулотларини тайёрлашга киришган. Бу яхши, албатта. Аммо шуниси борки, консерваланган мева ва сабзавотлар таркибида турли фойдали витамин ҳамда минерал моддалар билан биргаликда, инсон соғлиғи учун жиддий хавф туғдирувчи вируслар бўлиши ҳам мумкин.

Ана шундай вируслар сабаб келиб чиқадиган хасталиклардан бири ботулизмдир. Ушбу юқумли касаллик, асосан, марказий асаб тизимининг оғир шикастланиши билан кечади. Гигиена қоидаларига риоя қилинмасдан тайёрланган консервалар, шунингдек, заҳарланган гўшт ва гўшт маҳсулотлари орқали инсон организмига тушган ботулинотоксин моддаси меъда ҳамда ичакда тез сўрилиб, қон ва ички аъзоларга ўтади.

Азиз уй бекалари, консерва маҳсулотларини тайёрлашда гигиена талабларига қатъий риоя этишни унутманг.

---

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

Бош муҳаррир: Худоёр МАМАТОВ
Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Нашр учун масъул)
Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39;
Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ҚЎЛДОШЕВ.
Навбатчи — Ғ. ХИДИРОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
adolat_gazeta @mail.ru
t — Тижорат мақола белгиси.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 700. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 3948.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 20.30
1 2 4 5